



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



Шахриёр Шодиёрович Тураев Юридик хизматларнинг таркибида адвокатлик фаолиятининг ўрни ва унинг назарий масалалари	74
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Росулбек Исломович Пардаев Яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти	79
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Ўзбекистонда янги-музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари	83
Latofat Tolibovna Yuldosheva Tourism System: Tourism Supply and Bridging Components. Evidence from Samarkand	87
Shaxnoza Shuxrat qizi Xashimova Xorij mamlakatlarida sog‘lomlashtirish turizmi va uning rivojlanish xususiyatlari	93
Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов Халқаро туризм индустриясининг ривожланиш динамикаси, шаклланиш тенденциялари	99
Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова Навой вилоятида сафари туризмни ташкил қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари	104
Мухауво Вахрллоевна Хамроева Turizm sohasidagi hududiy transport xizmatlarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlili	109
Парвина Аслиддин қизи Холматова Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти	113
Kamol Sharifovich Yuldashev Sayohatni mustaqil rejalashtirishda qo‘llaniladigan axborot texnologiyalari va uning bosqichlari	117
Анжим Айдосбаевна Ембергенова Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туризмни ривожлантириш йўналишлари	123
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Гўзалхон Ақром қизи Абдурашидова Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизми тамойиллари ва усуллари	129
Мохиғул Эркиновна Ахтамова Стратегическое управление проектами в Республике Узбекистан: ключ к экономическому развитию	135
Nargiz Toxirovna Sattarova Mamlakatimizda sanoat korxonalarini boshqarish jarayonini takomillashtirish	139
ИНВЕСТИЦИЯ	
Ақрам Одилович Очилов, Дурдона Хасан қизи Рахмонова Развитие экономики Кашкадарьинской области на основе внедрения инвестиций	143
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Jaxongir Rasulovich Zaynalov, Shaxnoza Maxmudovna Latipova Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida moliyaviy siyosatni rivojlantirish yo‘llari	148

<p>Б.Абдуманнонов</p> <p>Эффективное использование экологически чистого общественного транспорта – гарантия предотвращения автомобильных пробок на дорогах</p> <p>Аннотация: В статье обсуждаются вопросы предотвращения автомобильных пробок в крупных городах, существенного сокращения транспортных средств, сохранения городской атмосферы, природного биологического разнообразия, предотвращения загрязнения окружающей среды, а также эффективного использования общественного транспорта и экологически чистых транспортных средств.</p> <p>Ключевые слова: Пробки на дорогах, загрязнение атмосферы и окружающей среды, «умная» дорожная инфраструктура, «Зеленое» общество, электробус, парковка, велосипед и электросамокат, электрический мопед.</p>	<p>B.Abdumannonov</p> <p>Effective use of environmentally friendly public transport is a guarantee of prevention of traffic congrams</p> <p>Abstract: The article discusses the issues of preventing traffic jams in large cities, significantly reducing the number of vehicles, preserving the urban atmosphere, natural biodiversity, preventing environmental pollution, as well as the effective use of public transport and environmentally friendly vehicles.</p> <p>Key words: Traffic jams, air and environmental pollution, smart road infrastructure, Green society, electric bus, parking, bicycle and electric scooter, electric moped.</p>
--	--

Шахриёр Шодиёрович Тураев – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бош бухгалтери. Мустақил тадқиқотчи

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАРНИНГ ТАРКИБИДА АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада юридик хизматлар таркиби адвокатлик фаолиятининг ўрни ва унинг назарий масалалари қараб чиқилган. Унда юридик хизматларни муҳим таркиби ҳисобланган адвокатура институтини самарали ва ижобий ютуқларидан фойдаланишни, адвокатлик хизмати, шунингдек юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этишни такомиллаштириш уни самарали механизмларини жорий қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган.</p> <p>Калит сўзлар: ишонч билдирувчи, юридик хизмат, адвокат, битим, жисмоний шахс, юридик шахс, тарафларнинг холислиги, ҳимоя остида, адвокатлик фаолияти.</p>
--

Кириш. Республикамизда ҳозирда тадбиркорликни ривожлантиришга янада алоҳида эътибор берилиб, натижада масъулияти чекланган жамиятлари, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар шунингдек хўжалик ширкатлари кўринишида бўлган ташкилий ҳуқуқий тузилишга эга корхонанинг ва ташкилотларнинг сонлари бир неча бараварга ортиб, бу эса ҳозирда шиддат билан давом этмоқда. Бундай кўринишдаги корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятида шартномалар тузиш ва меҳнат интизомларига риоя этиш қонунчилик билан амалда таъминлаш устидан назорат этиш, тадбиркорлик мулкларини сақлашни, шу каби ҳуқуқий масалаларни амалга оширишда юридик хизматнинг ўрни жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мавзунинг муаммоли жиҳатлари билан мамлакатимизда ва хорижий давлатларда олимлар, мутахассислар ва амалиётчилар каби ходимлар изланишлар олиб бормоқда. Булар жумласига Ҳ.Б.Бобоев, И.Б.Зокиров, Л.Б. Хван, Ф.Ҳ. Отахонов, Ў.Х.Мухамедов, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов кабиларни¹ киритиш мумкин. Ушбу олимларнинг тадқиқотларида бу масала тўлиқ ўрганилмаган

¹ Хван Л.Б. “Солиқ ҳуқуқи” 2001 й. 430-Б Консаудитинформ нашриёти, Отахонов Ф.Х. “Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли” Ж.Хўжалик ва ҳуқук. – 2001. – 10-сон. – Б.26-33.,

бўлиб, унда юридик хизматларида айнан адвокатлик тузилмаларини муаммолари кенг миқёсда қараб чиқилмаган. Ушбу ҳолат ҳам танланган мавзунинг ҳозирги кунда, ўта долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Мақолада мантиқий таҳлил, тизимли ёндошув, синтез, анализ, сабаб ва оқибат, индукция ва дедукция, замон ва макон, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, иқтисодий математик ва статистик каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. 2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясида «давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш» масаласига эътиборни қаратган бўлиб, юридик хизматларга замонавий ёндашув билан, хизматнинг сифат даражасини мукаммаллаштириш, фан сифатида ўрганишга татбиқ қилиш орқали мукаммаллашган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишлар жамиятимизга мос, асосли ва муҳимларини амалга татбиқ этишни белгилашга эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлади. Республикамизда давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги билан қонунийликни таъминлашниши муҳим ҳисобланиб унга эътибор қаратилиб, юридик хизмат ролининг оширишга асосий омил сифатида қараб келинмоқда. Бугунги кунда қонунчиликда жуда кўп ўзгаришлар ҳамда янгиликлар юз бермоқда, унга асосан талаблар ортиб бориши, фаолият мезонлари такомиллашиши кўринмоқда. Корхоналарда фаолият олиб бораётган юридик хизмат кўрсатувчи корхона ходимлари бундай янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабар топиши, ишчи-ходимларни ушбу ўзгаришлардан огоҳ этиши, ташкилотда тайёрланган ҳужжатларни янги меъёрларга мослаштириши, жойлардаги ҳуқуқий масалалар ва муаммоларни, фуқароларнинг ҳуқуқий эркинликлари уларнинг ҳуқуқий талабга бўлган эҳтиёжлари унга боғлиқ ҳолда таъминланишини ўрганиш, яшаш шароитидаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш керак бўлади. Юридик хизмат кўрсатишнинг зарур ва долзарблиги уни тегишли бўлган умумий қоидаларни белгиламасдан балки, эскирган ёки асосиз қоидаларни ўрнига замонавий янги жамиятнинг ривожланишига мос, албатта инсон манфаатларини назарда тутган ҳолда фаолият амалга ошириш зарур. Тадбиркорлик субъектларида ҳозирда жадал ривожланаётган давримизда юридик хизматга бўлган эҳтиёж ва талаб тобора ортиб бормоқда, ушбу субъектларни юридик хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўла-туқис таъминлаш ким томонидан амалга оширилиши муҳимдир. Бунда албатта тадбиркорлик корхона раҳбарларининг ўз фикри ва ташаббуси, унинг ишга бўлган ёндашуви, масъулияти муҳим бўлади.

Шунинг учун юридик хизматларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январида “**Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**” ПҚ-2733-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан юридик хизматларни ташкил этиш, уларнинг меъёр ва мезонларининг мавжудлиги ёки йўқлиги давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларни қай тарзда ташкил этиш ва штат тузилмасини оқилона белгилашни таъминлашга имкон яратади.

Ҳозирда юридик хизматлар томонидан қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллашда амалиётга қандай татбиқ этиш умумлаштириш, юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ишлари самарали ташкил этилмаганлиги ушбу соҳадаги ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи уни назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган хато ва камчиликлар, қонун

Каримов И.А. “Адолат қонун устуворлигида”. -Т. “Ўзбекистон”. 2001й., Ҳ.Б.Бобоев “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” 2000 й. 523-Б. Тошкент Давлат юридик институти, И.Б.Зокиров “Фуқаролик ҳуқуқи” 2009 й. 609-Б. Тошкент Давлат юридик институти, Ў.Х.Мухамедов “Ҳуқуқшунослик асослари” 2019 й. 348-Б. Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВАкадемияси, 2019, З.Муқимов “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” 2003.Тошкент “Адолат” нашриёти. 280-Б. , Х.Т.Одилқориев “Ўзбекистонда давлат ва жамият инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари” 2019й. Юристар малакасини ошириш маркази. 307-Б. , О.Оқюлов “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” 2005 й. Фалсафа ва ҳуқуқ институти Тошкент. 40-Б.,

бузилишларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш билан чекланиб қолинар эди. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлашга, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишга, юридик хизматларнинг ролини оширишга эътибор қаратилиб, жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш билан бир қатор чораларни бажариш заруратлари пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**”ги Қонунга асосан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш масалалари кўрсатилган. Буни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Адвокат жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳуқуқий масалалар бўйича оғзаки маслаҳатлар, ёзма тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан маълумотномалар бериши мумкин бўлиб, ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни ҳам адвокатлар тамонидан тузилиб, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича талаб қилинган органларда иштирок этиб, тергов босқичида жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки терговда, судда ҳимоячи адвокат бўлиб иштирок этади ва аксинча жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар бўлган шахсларга ҳам адвокат тамонидан хизмат кўрсатилади. Бунда фақат бир адвокат бир хил масала ёки ишлар юзасидан фақатгина бир томондаги мижозни манфаатларини ҳимоя қилади. Адвокат шу билан бирга тадбиркорлик субъектларини манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**”ги Қонунга асосланган ҳолда ҳам ўз фаолиятини хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш масалалари билан ҳам мустаҳкамлаб бориб у қандай адвокатлик тузилмасида ишлашидан қатъи назар ўз адвокатлик тамойили аниқ бўлади.

Бундай адвокатлик тузилмалари қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Адвокатлар тузилмаларининг ўзаро боғлиқлиги

Расмдан кўриниб турибдики, адвокатлик тузилмалари турли номланиш билан бирга бир-биридан маълум жиҳатлари билан фарқ қилади. Жумладан, **адвокатлар ҳайъатида** аъзолик асосида ташкил қилинади. Бунда ўн нафар ва ундан ортиқ адвокатлар ихтиёрий равишда бирлашиб фаолият олиб борадилар. **Адвокатлик фирмасида** шериклик асосида ташкил қилинади ва унда ўн нафаргача адвокатлар ихтиёрий равишда бирлашиб

фаолият олиб борадилар. Булардан фарқли ўлароқ **адвокатлик бюроси** ҳам мавжуд. Бунда якка тартибда бир нафар адвокат фаолият кўрсатади.

Иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни самарали ва изчил тартибга солишда шартнома асосида амалга оширилиб бунга мутаносиб адвокатлик хизматида ҳам мижозлар билан адвокат ўртасидаги шартнома (битим) тузиш орқали адвокатлик муносабатга киришилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган № 349-І-сонли “**Адвокатура тўғрисида**”ги Қонунининг 3-моддасида назарда тутилган Адвокат-«Олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин;

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди;

Адвокат қўйидагилардан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас:

Адвокат илмий ва педагогик фаолият;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият;

патент вакили ва медиатор сифатидаги фаолият;

шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатидаги фаолият;

ҳакамлик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатидаги фаолият»¹ -булардан бошқа ҳақ тўланадиган фаолиятни амалга оширишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган бўлиб яна шу қонуннинг 4-моддасида «Адвокатура ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширади;

Белгиланган тартибда лицензия олган шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокатлар (шериклар) билан адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланган адвокатлар ҳайъатини тузишга ёхуд фаолият кўрсатаётган шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли. Адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга оширишга ҳақли;

Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилади.»²

«Адвокатлик тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, тузилмаси, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлик тузилмалари фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари), таъсис шартномалари билан тартибга солинади;

Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари улар рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади. Юридик маслаҳатхона ҳисобга олинган кундан эътиборан ўз фаолиятини амалга оширишга ҳақли;

Адвокатлик фирмасининг ёки адвокатлар ҳайъатининг жойлашган ери яшаш учун мўлжалланмаган жойда бўлиши керак;

Адвокатлик бюрolarини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган тураржойларда амалга

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сонли Қонуни таҳрири

² Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳрири

ошириши мумкин, бунда адвокатга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган тураржойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

Адвокатлик тузилмалари фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатганлик учун улардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан таъминот олади.

Адвокатлар адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузиши мумкин;

Адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда чет давлатларда ушбу давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ ўзининг алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини) ташкил этишга ҳақли. Бунда адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати алоҳида бўлинмани очиш тўғрисидаги қарори ҳақида адлия органини олдиндан хабардор қилади.»¹ -деб кўрсатилиб ўтилган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда республикамизда энг муҳим вазифаларидан саналган қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашда ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва аҳолига етказишда хизматларни самарадорлигини ошириш зарур ҳисобланади.

Ушбу самарадорликни таъминлашда юридик хизмат кўрсатувчи адвокатлик тузилмаларда фаолият олиб борувчи малакали юридик мутахассисларнинг ўрни бекиёс бўлиб, омма эҳтиёжига юридик хизмат орқали қонунчиликдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгарган баъзани ёритиш жараёнида асосий бўғин ҳисобланади. Бунда адвокатлик ҳайъати, адвокатлик фирмаси ва адвокатлик бюрolariда фаолият олиб борувчи адвокатларнинг иштироки ва роли жаҳон миқёсида салмоқли ва нуфузли, энг кўлами кенг саналади.

Адвокат томонидан, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартномани), орқали хизмат кўрсатишда адвокатнинг ёки миждознинг яшаш жойи ёки жойлашган ерини фарқи йўқ ҳолда ўз вазифасини бажаришга ҳақли. Шунинг учун бу хизматга бўлган эҳтиёж борган сари ортиб боради ва муҳим саналади.

Кўрсатилган тавсияларни мамлакатимиз амалиётига жорий қилиниши, Республикамизда юридик хизматларни такомиллаштиришга, қонунларимизни бенуксон ишлашга қаратилган мақсадларнинг амалга оширилишига, шу билан бирга қонун устуворлигини таъминлаб юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунчиликдан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Ш.Тураев	Sh.Turaev
Роль адвокатуры в структуре юридической услуги и ее теоретические вопросы	The role of advocacy in the structure of legal services and its theoretical issues
<p>Аннотация: в статье рассматривается роль адвокатуры и ее теоретические вопросы в структуре юридической услуги. Основное внимание уделяется вопросам использования эффективных и положительных достижений института юридических услуг, который считается важной частью юридического обслуживания, и внедрения эффективных механизмов совершенствования реализации правовых документов, связанных с оказанием юридической помощи.</p> <p>Ключевые слова: фидуциар, юридическая услуга, адвокат, сделка, физическое лицо, юридическое лицо, беспристрастность сторон, под защитой, адвокатура.</p>	<p>Abstract: the article examines the role of advocacy and its theoretical issues in the structure of legal services. It focuses on the issues of using effective and positive achievements of the legal services institution, which is considered an important part of legal services, and introducing effective mechanisms to improve the implementation of legal documents related to the provision of legal assistance.</p> <p>Keywords: fiduciary, legal service, lawyer, transaction, individual, legal entity, impartiality of parties, under protection, advocacy.</p>

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-198-сонли Қонуни таҳрири.

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.